

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

АҲОЛИНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БАНДЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Зебо Бахтиёровна Наврўззода
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

Ситора Исламовна Хасанова
Бухоро давлат университети
Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар
бўйича) мутахассислиги 1-босқич
магистранти

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида аҳолини кичик бизнес ва ўз-ўзини банд қилишига қаратилган қатор сиёсий стратегиялар, қонун лойиҳалари, Президент қарори қабул қилинмоқда. Ушбу мақолада ҳам аҳолининг ўзини ўзи бандлигини ривожлантириш – иқтисодий барқарорликни таъминлаш муҳим омили эканлиги мисоллар асосида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: кичик бизнес, ўз-ўзини банд қилиш, «Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом», рамий даромад, солиқ, хизмат кўрсатиш.

Кириш

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг асосий молиявий манбайи шахсий маблағлар ёки жалб қилинган инвестицион маблағлари ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудидаги барча тижорат банклари хорижий кредит линиялари ҳисобига лойиҳаларни молиялаштиришда, бюджетдан ташқари ва шахсий маблағлари ҳисобига миллий валютадаги кредит фаолиятини амалга оширади. Шу сабабли ҳозирда бутун дунё миқёсида бу соҳага юксак эътибор берилмоқда ва уни ривожлантириш қўллаб-қувватланмоқда. Ўзини ўзи банд қилганлар – бу хизматлар кўрсатишда мустақил равишда шахсий меҳнати билан иштирок этадиган, меҳнат даромадини олиш учун иш олиб борувчи шахслар. Бунда улар яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмайди ва ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайди. Уларнинг фаолияти «Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом» билан тартибга солинади. 2021 йил 1 август ҳолати бўйича 68 турдаги фаолият билан ўзини ўзи банд қилиш мумкин. Хоҳишга кўра, уларнинг бир нечтасини бирваракайига танлаш мумкин.

Асосий иш жойида меҳнат шартномаси бўйича ишлаб, бир вақтнинг ўзида ўзини ўзи банд қилиш ҳам мумкин. Асосийси, асосий ишдаги фаолият тури ўзини

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

Ўзи банд қилиш учун рухсат берилган фаолият турлари рўйхатига кирмаган бўлиши керак. Масалан, кун бўйи меҳнат шартномаси асосида котибалик билан шуғулланиш, кечаси ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида матн ёзиш бўйича хизматларни (копирайтинг) кўрсатиш мумкин.

Муҳокама ва натижалар

Мамлакатимизда аҳолини бандлигини таъминлаш мақсадида аҳолини кичик бизнес ва ўз-ўзини банд қилишига қаратилган қатор сиёсий стратегиялар, қонун лойиҳалари, президент қарори қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарор қабул қилинди. Унга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхати кенгайтирилди, уларга бир қатор қулайликлар ва имтиёзлар берилди ҳамда уларнинг фаолиятини масофадан туриб рўйхатга олиш учун Давлат солиқ қўмитаси томонидан мобил илова ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, 2020 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш бўйича фаолият турларининг 67 тагача кенгайтирилиши асосида рўйхатга олиш тартиби жорий этилди.

Статистик маълумотларга диққат қаратадиган бўлсак, 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 852 мингдан ортиқ ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 310 минг нафардан зиёдроғини ёшлар ташкил этган бўлса, Давлат солиқ қўмитаси ахборотиغا кўра, мамлакатда 2022 йил 16 февраль ҳолатига, ўзини ўзи банд қилганлар сони 1 324 031 нафарга етди. Қайд этилишича, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича 50 691, саноат йўналиши бўйича 32 707, маиший хизматлар бўйича 23 641, ижтимоий йўналиш бўйича 15 183, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича 7 551, ахборот-коммуникация йўналиши бўйича 2 274 нафар шахс ўзини ўзи банд қилди. Кўринадики, ушбу соҳа мамлакат иқтисодиётида тезкор суръатлар билан ўсиб бораётир.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида янги иш жойларини яратиш бўйича қуйидаги асосий йўналишларни тавсия қилиш мумкин:

- янги турдаги ишбилармонлик (касбий) хизматлари кўчмас мулк билан савдо қилиш, вақтинчалик эркин пулларни жойлаштириш, ахборот, маркетинг ва реклама хизматлари, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларини тузиш, электрон котиба;

• туристик фирмалари, ахборот коммуникацион технология воситаларини тузатиш таянч пунктлари, ижтимоий психологик марказлар, турли таълим ва касбга ўқитиш қисқа курслари каби хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш.

• хизмат кўрсатиш соҳаларида алоҳида яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини яратиш лозим;

• ҳайвонларга қараш бўйича хизматлар – ҳайвонларни боқиш;

• болаларни тарбия қилиш, ўқитиш бўйича хизматлар, хусусий боғча ва мактаблар, оилавий болалар боғчалари, оилавий кутубхоналар ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш.

Ўзини ўзи банд қилишнинг қандай фойдалари бор? – деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

1. **Уйдан ишлашнинг қонуний имконияти.** Ўзини ўзи банд қилганлар солиқ текширувлари, жарималар ва ноқонуний тадбиркорлик фаолияти бўйича айбловлардан қўрқмасликлари мумкин.

2. **Тасдиқланган иш стажи ва пенсия.** Ўзини ўзи банд қилганларнинг иш стажи кетаверади, шунинг учун кексаликда кафолатланган пенсия нақд деб ҳисоблаш мумкин.

3. **Расмий даромад.** Истеъмол кредитлари, имтиёзли қарзлар олиш, шунингдек, солиқ имтиёзларини қўллаш мумкин.

4. **Минимал солиқ.** Даромад солиғи ёки бошқа йиғимлар йўқ. Бир йилда БҲМнинг 1 баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўлаш кифоя.

5. **Ўзига ўзи хўжайин.** Ўзини ўзи банд қилувчилар учун меҳнат шартномаси, раҳбар ва қатъий иш жадвали йўқ. Севимли иш билан хоҳлаган вақтда шуғулланиш ва бундан қонуний даромад олиш мумкин.

6. **Мижозлар базасини кенгайтириш.** Ўзини ўзи банд қилган шахслар юридик шахслардан пул ўтказиш йўли билан тўловларни қабул қилиш учун банкда осонгина ҳисоб очишлари мумкин. Бундан ташқари, давлат рўйхатидан ўтказилганлик шериклар орасида ишончни уйғотади.

7. **Минимал ҳужжатлар.** Ўзини ўзи банд қилганлар яқка тартибдаги тадбиркорлар сингари бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисобот юбориш ёки солиқ декларациясини топширишлари шарт эмас. Даромад ва харажатларни ихтиёрий равишда www.soliq.uz иловасида тўғридан-тўғри кузатиб боришлари мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар: бепул рўйхатдан ўтади; иш берувчига эга бўлмайди; ишчи ёлламайди; уларга меҳнат стажи ва пенсия ҳисобланади; йилда бир марта БҲМнинг бир баравари миқдорида ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлайди; даромадидан солиқ тўламайди; юридик шахслардан пул ўтказмаларини

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

қабул қилиш учун банкда ҳисобрақам очиши мумкин; фақат рухсат этилган фаолият турлари билан шуғулланади.

Ўзини ўзи банд қилганлар қуйидагиларни қилишлари мумкин:	Қуйидагилар ўзини ўзи банд қилганларга мумкин эмас:
<ul style="list-style-type: none"> • рўйхатдаги бир ёки бир нечта фаолият турлари билан шуғулланиш; • ишни фақат мустақил равишда бажариш; • нақд, терминал ва пул ўтказмаси орқали тўловни қабул қилиш; • жисмоний ва юридик шахслар билан фақат бир марталик иш ёки хизматларни бажариш учун ишлаш; • миждоз билан оғзаки ёки ёзма шартнома тузиш; • чет эллик буюртмачилар билан шартнома тузмасдан ишлаш; • норезидентлардан чет эл валютасида ишлар учун тўловни қабул қилиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • рухсат берилган фаолият турлари рўйхатида кўрсатилмаган фаолият билан шуғулланиш; • яқка тартибдаги тадбиркор бўлиш; • ўз фаолият тури бўйича кимнингдир қўлида ишлаш; • ходимлар ёллаш; • жисмоний ва юридик шахсларга катта ҳажмли иш ёки хизматни узоқ муддат давомида кўрсатиш.

Чет эллик буюртмачилар билан қандай ишлаш ва улардан тўловларни қандай қабул қилиш керак?

Ўзини ўзи банд қилганлар чет эллик жисмоний шахслар ва юридик шахслар билан **шартнома тузмасдан** ишлашлари мумкин. Оммавий офертани қабул қилиш, электрон хабар алмашиш ёки, жумладан, электрон шаклдаги ҳисоб-фактуралар (инвойслар) ишлаш учун асос бўлиши мумкин.

Бажарилган ишлар учун хориждаги норезидентлардан тўловларни Ўзбекистон банкларидаги ҳисоб рақамига **хорижий валютада** қабул қилиш мумкин. Бунда яқка тартибдаги тадбиркорлар ёки юридик шахслар сингари Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида бу ҳақдаги маълумотларни киритишга ҳожат йўқ. Олинган маблағларни **ўз банкида хорижий валютада нақд қилиб олиш** ва ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш мумкин.

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)
Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

Мамлакатимизда аҳолини бандлигини таъминлаш мақсадида аҳолини кичик бизнес ва ўз-ўзини банд қилишига қаратилган қатор сиёсий стратегиялар, қонун лойиҳалари, президент қарори қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020-йил 8-июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарор қабул қилинди. Унга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхати кенгайтирилди, уларга бир қатор қулайликлар ва имтиёзлар берилди ҳамда уларнинг фаолиятини масофадан туриб рўйхатга олиш учун Давлат солиқ қўмитаси томонидан мобил илова ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, 2020-йил 1-июлдан бошлаб Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш бўйича фаолият турларининг 67 тагача кенгайтирилиши асосида рўйхатга олиш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, тизимида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга 2022 йил 1 майдан таълим муассасаларининг таълим жараёнидан бўш бўлган ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино ва иншоотларини ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектларига касб-ҳунар, хорижий тиллар ёки тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш курсларини ташкил этиш учун 5 йилгача бўлган муддатга, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун 5 йилгача бўлган муддатга ижарага бериш ҳуқуқи тақдим этилгани ҳам бу соҳада имкониятларнинг янада кенгайганлигидан далолат қилади.

Хулоса

Тадбиркорлик соҳаларида янги иш ўринлари ташкил этиш, инвестиция, солиқ, пул-кредит ва илмийтехникавий сиёсатни такомиллаштириш, бозор хизматларининг тармоқ тузилмасида инновацион таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу хизматлар кўрсатиш аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишини таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev PQ-4742 sonli qarori.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 806-сон қарори.
3. Sobirovich M. A., Nizamov D. A. Self-employment and small business development.
4. Davlat statistika qo`mitasi. www.stat.uz